

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида «Қуръон билан танишув» номли туркум суҳбатлар ўтказилмоқда



12:35 / 29.04.2021 2197

Унда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидининг имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ҳар куни оқшом хатмонада ўқиладиган сура ва оятларнинг маъно ва мазмуни, нозил бўлиши каби мавзуларда сўз юритиши баробарида айни кундаги долзарб масалаларга ҳам Қуръон оятлари билан тушунтириш бериб бормоқда. Бу билан халқимиз Қуръони карим билан янада кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шунингдек, ушбу суҳбатлар ва таровеҳ намозларини mediabox.uz сайтида, IPTV платформаси 77-каналида ва islom.uz порталининг ижтимоий тармоқларида тўғридан-тўғри жонли эфирда ёритилиб келмоқда.

“Илк суҳбат Қуръон билан танишиш мавзусида бўлиб, унинг нозил бўлиши ҳамда асл моҳияти ҳақида сўз юритилди. Суҳбат давомида Қуръоннинг «Фотиҳа» ва «Бақара» сурасидан тортиб, бугунга қадар 28 суранинг мазмуни, ундаги келтирилган оятлар, воқеалар, аҳкомлар, шариат қоидалари билан танишиб жамоат, жонли қузатувчилар ҳам бир олам билимга эга бўлмоқда.

Сиз ҳам мазкур суҳбатда иштирок этинг, Қуръонга ошно бўлиб, унинг асл мухлисига айланинг. Икки дунё саодатига етакловчи суҳбатдан бебаҳра қолманг”,